Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensi... DOI: 10.5281/zenodo.24316687

5. Назарова, Б. (2022). Ички туризм хизматларини яратиш субъектлар ва объектларнинг ўзаро алоқалари. *Международная конференция, посвященная роли и важности инновационного образования в 21 веке*, *1*(8), 110-115. Извлечено из https://openidea.uz/index.php/conf/article/view/210 ;
6. Назарова Б.У.Хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантиришда АКТ ролини ортиши. // Сб. тр. межд. научно-практ. конф. “Применение современных информационно комуникационнқх технологий в проведении реформ в новом Узбекистане”.-Андижан, 2021.-С.275-280;

СОТИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Салиев Баходир Комилович
ТДИУ доценти, и.ф.н.

Анотация: Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг махсулотлар, товарлар, иш ва хизматларининг сотиш хажмига таъсир этувчи ички хўжалик омилларини молиявий ҳисоботлари маълумотларига асосланиб эконометрик моделини тузишга харакат қилинган.

Калит сўзлар: Бухгалтерия баланси, активлар, хусусий капитал, мажбуриятлар, сотиш хажми, молиялаштириш манбалари, молиявий боғлиқлик, капитал рентабеллиги

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг устивор йўналишлари орасида “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” алоҳида муҳим ахамиятга эга бўлган масалалар қаторида кўрсатиб ўтилган. Унга мувофиқ “Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва унинг жон бошига кўрсаткичини 4 минг долларга етказиш”[1] назарда тутилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини оширш хар бир хўжалик юритувчи субектлар фаолиятини рационал ташкил қилиш, янги техника ва технологиялардан оқилона фойдаланиш, мехнат унумдорлигини ошириш ва материаллардан самарали фойдаланиш ва бошқалар эвазига маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кескин оширишни талаб қилади.

Маълумки, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш хажмини ошириш юқорида номлари келтириб ўтилган омилларни алоҳида холда ўрганиш албатта муҳим ахамиятга эга. Лекин уларни ўзоро боғлиқликда ўрганиш ва барча ички ва ташқи омиллар эвазига фойдаланмаётган имкониятларни аниқлаш янада муҳимроқ аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектларни маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини чуқур ва атрофлича ўрганишдан асосий мақсад унинг ўсиш суръатини объектив баҳолашни таъминлашдир. Бу масалани хал килишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия баланси асосий маълумотлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Чунки, унда хўжалик юритувчи

Published: 17.05.2024

Cite this article: Салиев Баходир Комилович (2024). Сотиш ҳажмини оширишнинг молиялаштириш омилларини моделлаштириш. Emro Science and Education, 1(3). https://doi.org/10.5281/zenodo.24316687

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

субъектлар фаолиятининг моддий асосини ташкил килувчи мавжуд ресурслари (моддий ва молиявий ресурслари) ва уларни ташкил топиш манбалари акс эттирилади. Шу нуктаи назардан иқтисодий ресурслар (хўжалик юритувчи субъект активлари - **А**) ва уларни ташкил топиш манбалар (ўз –**Хс** ва қарз - **М** сармояси) орасидаги қатъий детерминистик боғланиш бўлиб, уни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$\mathbf{A = Xc + M} \quad ; \qquad (1)$$

Келтирилган баланс моделига асосан хўжалик юритувчи субъектнинг ресурс солоҳиятини ошириш бир томондан, маблағлар манбасини кўпайтириш ва, иккинчи томондан улар орасидаги нисбатни ўзгатириш орқали амалга оширилиши мумкин. Баланс унсурлари орасида юқори (1) да кўрсатиб ўтилгандай катъий функционал боғланиш мавжудлигини ҳисобга олиб, уларни ўзгаришини – ўсиш ёки камайиш (**Δ**) суръатини қуйидагича ифодалаймиз:

$$\mathbf{\Delta A = \Delta Xc + \Delta M.} \qquad (2)$$

Агар хўжалик юритувчи субъект ҳусусий капитали хажмининг ўзгариши асосан двиденд сиёсати (тўланадиган двидендлар ва кайта инвестицияланган фойда – **Иф** кўрсаткичлари нисбатига) ва акционерлик капитали ўзгаришларига боғлиқлигини ҳисобга олсак, у ҳолда юқорида келтирилган моделни бироз ўзгартириб,

$$\mathbf{A = Xc + Иф + M} \qquad (3)$$

кўринишга келтиришимиз мумкин.

Юқорида келтирилган моделдан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини молиялаштириш учун учта манбадан фойдаланиши мумкин бўлиб, булар: **(а)** ўз хўжалик фаолиятининг натижаси (кайта инвестицияланган фойда); **(б)** устав капиталаини кўпайиши (қўшимча акциялар чиқариш, пай ва бадаллар киритиш); **(в)** четдан жалб килинган маблағлар (банк кредити олиш, облигация чиқариш ва х.к).

Молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида қаралаётган ва юқорида санаб ўтилган манбаларини қайси бири афзал ва қайси бири камроқ жозибадорлиги кўпчиликка маълум. Бизнинг максадмиз уларни баҳолаш эмас, балки улар ўзгаришига таъсир кўрсатадиган кўп сонли омилларни ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш манбаларни моделлаштириш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат.

Моделлаштиришнинг бошланғич унсури бўлиб тахминлаштирилаётган бухгалтерия ҳисоботини тузиш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: (а) хўжалик юритувчи субъект фаолиятини нисбатан тўлиқ тавсифлаш имкониятини берадиган алоҳида кўрсаткич динамикасидан келиб чиқиб, ҳисоботнинг алоҳида моддаларини тахминлаштириш; (б) ҳисоботнинг хусусий моддаларининг динамикаси ва ўзоро боғлиқлигидан келиб чиқиб унинг алоҳида моддаларини тахминлаштириш.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини умумлаштирувчи, натижавий кўрсаткичларидан бири сотиш хажми (**Q**) бўлиб, унинг ўсишига қараб хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланишига баҳо бериш мумкин. Чунки, сотиш

ҳажмини ўсиши, маълум маънода хўжалик юритувчи субъект активларини пропорционал ўсишига олиб келади. Шу нуктаи назардан, **сотиш хажмини ўсиш суръати** (**t**) ва активларни ўсиш сурати (**ΔA**) ўртасидаги ўзоро боғланишни

$$\Delta A = A*t \qquad (4)$$

кўринишида ифодалаш мумкин.

Активлар ўсишини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий ресурслар манбаи - хусусий капитали ҳисобланади. Хусусий капитал таркибида эса асосий эътибор, қайта инвестицияланадиган фойда (**Иф**)га қаратилиши лозим, чунки, устав капиталини кўпайтиришнинг ҳамма вақт ҳам имкони бўлавермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, хусусий капитални кўпайишига таъсир этувчи омилларни – қайта инвестицияланадиган фойда улуши (**d**), сотиш рентабеллиги (**p**) ва сотиш хажми (**S**)ни ҳам ҳисобга олиб унинг ўсишини

$$\Delta Xc = d * p * S (1 + t) \qquad (5)$$

кўринишида тасвирлаш мумкин. Демак, активларни ўсишини таъминлаш учун зарур бўлган қўшимча маблағлар манбасин **(ҚММ)** ни қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$ҚММ = \Delta A - \Delta Иф = A*t - d * p * S (1 + t) \qquad (6)$$

Агар хўжалик юритувчи субъект молиялаштириш манбаларининг катъий тузилмасига эга бўлса, яъни ўз ва қарз капитали ўртасидаги нисбатларни оптимал даражасига эришган бўлса, у холда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари манбасини кўпайиши билан қарз маблағлари манбалари ҳам пропорционал ошиб боради, яъни молиявий боғлиқлик коэффиценти **C= M/Xc** (катъий нисбатда) бўлса, у холда

$$\Delta M = c * \Delta Xc \qquad (7)$$

бўлади. Ушбу ўзоро боғлиқликни юқоридаги формулага қўйиб, уни математик жиҳадан бироз ўзгартирсак, у ҳолда қуйидаги формулага эга булишимиз мумкин:

$$t = \frac{d*Rx}{1-d*Rx} \qquad (8)$$

Келтирилган моделдан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий салохиятини ошириш иккита асосий омил: хусусий капитал рентабеллиги (**Rx**) ва фойдани кайта инвестициялаш коэффиценти(**d**) га боғлик. Агар хусусий капитал рентабеллигини ўзи сотиш рентабеллиги (**Rs**), ресурс қайтими (**Қа**) ва молиявий боғликлик коэффиценти (**C**) каби омилларга боғлиқлигини ҳисобга олсак, у ҳолда юкоридаги моделни куйидаги кўринишга келтириш мумкин:

$$t = \frac{d * C * Rs * Qa}{1 - d * C * Rs * Qa} \qquad (9)$$

Келтирилган модель қатъий детерминистик характерга эга бўлиб, у махсулот хажмини ўсиш суръати оркали ифодаланувчи хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий салохияти ва уни белгиловчи омиллар ўртасидаги боғланишни ўзида акс эттиради. Бу омиллар хўжалик юритувчи субъект

молиявий-хўжалик фаолиятини турли томонларини – ишлаб чикариш (ресурс кайтими), молиявий (маблағлар манбалари), мулкдорлар ва хўжалик юритувчи субъект рахбар ходимлари орасидаги мунасабат (двиденд сиёсати) ва хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлиги (сотиш рентабеллиги) кабиларни тавсифлаш имкониятлари беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йёрг Вёльтье. Коллекция формул для анализа экономики предприятия. М., Финансы и статистика», 2010
2. Маклейни Э. Финансовый менеджмент и управленческий учет для руководителей и бизнесменов / Э. Маклейни-«Альпина Диджитал», 2008
3. Финансовый анализ под общ. ред. И. Ю. Евстафьевой, В. А. Черненко. — М. : Издательство Юрайт, 2016. — 336 с.
4. Савиных, В.Н. Математическое моделирование производственного и финансового менеджмента / В.Н. Савиных. - М.: КноРус, 2018. - 256 с.

O’ZBEKISTONDA SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTIVOR YO’NALISHLARI

Qurbonov Jasurbek Fozilovich
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi dotsemti, PhD
Alijonov Mavlonbek Abdusamad o’g’li
TDIU Andijon fakulteti “Bank ishi va audit” yo’nalishi 2-kurs talabasi

Annotatsiya: Maqolada soliq yukini izchillik bilan kamaytirish, soliq solish tizimini soddalashtirish va soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish iqtisodiyotni jadal rivojlantirish hamda mamlakatning investisiyaviy jozibadorligini yaxshilashda soliq siyosatini ustivor yo’nalishlari bayon etilgan. Shu bilan birga, mazkur sohada bir maromda iqtisodiy o’sishga, ishbilarmonlik va investisiyaviy faollikni oshirishga, sog’lom raqobat muhitini shakllantirishga, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar yig’iluvchanligining zarur darajasini ta’minlashga to’sqinlik qilayotgan bir qator tizimli muammolar ochib berilgan hamda zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalarini keng joriy etish hisobiga soliq qonunchiligini soddalashtirish yuzasidan aniq tavsiya va xulosalar ilmiy jihatdan asoslab berilgan.

Kalit so’zlar: soliqlar, soliq siyosati, soliq kodeksi, investisiya, majburiy to’lovlar, axborot-kommunikasiya, imtyozlar, erkinlashtirish, soddalashtirish.

Soliq yukini izchillik bilan kamaytirish, soliq solish tizimini soddalashtirish va soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish iqtisodiyotni jadal rivojlantirish hamda mamlakatning investisiyaviy jozibadorligini yaxshilash - soliq siyosatini takomillashtirishning ustivor yo’nalishlari hisoblanadi.

Shu bilan birga, mazkur sohada bir maromda iqtisodiy o’sishga, ishbilarmonlik va investisiyaviy faollikni oshirishga, sog’lom raqobat muhitini shakllantirishga, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar yig’iluvchanligining zarur